

20-йилларнинг бошларида жорий этилган янги иктисодий сиёсат Ўзбекистоннинг ҳам иктисодиётида жонланишга олиб келди. Лекин 20-йилларнинг охирида бу сиёсат ўзининг мохиятини йўқота бошлади ва 1929 йилда батамом бекор қилинди. Эркин савдо, хусусий тадбиркорликка чек қўйилди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳа-рид нархи туширилиши озик-овқат муаммосини келтириб чиқарди, дехконлар қашшоқлашди. Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустақамлашнинг зарурий шарти сифатида ин-дустриялаштириш сиёсатини амалга ошириш бошланди. Саноати қолоқ, малакали ишчи кадрлари, мутахассислари деярли йўқ, оғир саноатни ривожлантириш тажриба-си йўқ ўлкада индустриялаштириш оғир кечди. Шу баҳона малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимларни Россиянинг марказий ҳудудларидан қўчириб келтирил-ди. Фақат 1931 йилнинг ўзида қўчириб келтирилганлар 15.000 нафарни ташкил қил-ди. Оқибатда 1926-1939 йиллари Ўзбекистон аҳолиси 37 фоизга қўпайган бўлса, ев-ропаликлар сони 62 фоизга ошди.

Индустриялаштиришнинг дастлабки пайтида кичик сув электростанциялари ҳамда кишлоқ хўжалигига, пахтачиликка қаратилган хом-ашёни қайта ишлаш қорхоналари қурилиб ишга туширилди. Чирчиқдаги ГЭСлар, Тошкент тикувчилик, пойафзал, тама-ки, Фаргона тўқимачилик, Самарқанд ва Марғилондаги ипак фабрикалари шулар жумласидандир. 30-йилларда Тошкент тўқимачилик комбинати, кишлоқ хўжалик ма-шинасозлик заводи, Чирчиқ химия комбинати ва бошқа қўплаб йирик қорхоналар иш-га туширилди. 30-йиллар охирида республикада 1445 та ҳар хил саноат қорхоналари мавжуд бўлиб, буларда 142 минг ишчи меҳнат қилар эди.

Советларнинг «ўз қучимиз билан қисқа муддатда» деб олиб борган индустриялаш-тириш сиёсати Ўзбекистон учун гоёт оғир кечди. Марказ республикамизнинг ер ости ва ер усти қазилма бойликлари, хом-ашё манбаларини талон-тарож қилиб, арзон иш-чи қучидан фойдаланиб, ўлкадан мумкин қадар қўпроқ фойда олиш ҳаракатида бўлди. Бу сиёсат айниқса миллионлаб дехконлар ҳисобидан амалга оширилди. Чунки кишлоқда зўрлик билан олиб борилган жамоалаштириш сиёсати қаразли мақсад учун жуда ҳам қўл келди. 1930 йилнинг бошларидан ёппасига жамоалаштириш ҳаракати бошланиб, қатта ер эгалари, ўрта ҳол дехконлар ва қамбағалларнинг ерлари жамоа хўжаликларига бир-лаштирилди, уларнинг қўлларидаги от-улов, меҳнат воситалари, қорва моллари ҳам мажбурий умумлаштирилди.

Давлат, жамоа хўжаликлари орқали режалаштирилган йўл билан меҳнатқаш дехконлар оладиган ҳосилнинг деярли барчасини йигиб оладиган бўлди. Бунинг нати-жасида дехконлар хўжалиги қонавайрон бўлди. 30-йиллар бошларида юз берган очар-чилик, унинг оқибатида минглаб қишлоқларнинг қирилиб кетиши, аҳолининг ҳалигача кишлоқ хўжалик маҳсулотларига ёлчимай қелиши-ўша давр қўр қўрона сиёсатининг натижаси бўлди.

Оммавий жамоалаштиришга суяниб, бадавлат хўжаликлар, айрим ўртаҳол дехкон-лардан 5,5 мингдан ортиги ўз оиласи билан узок ўлкаларга сургун қилинди. Бу билан совет давлати кишлоқ аҳолисининг бош қўтаришга қодир, вазиятни тушунадиган қисмини йўқ қилиб, талончилик сиёсатини осонлаштирди.

Ўз-ўзидан равшанки, жамоалаштириш сиёсати натижасида кишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги пасайиб, моддий манфаатдорлик йўқолди, кишлоқ аҳолиси қашшоқлашди, дехконни эксплуатация қилишнинг бирдан-бир тақомиллашган услуби қашф этилди.

Муаллиф:

12.08.2012 15:55 -

---

Хатто халкимизнинг кадим анъанаси хашар ҳам эксплуатация куролига айланти-рилди. 1939 йилда казилган Катта Фаргона канали бир томондан, халкимизнинг меҳнат жасорати, иккинчи томондан халкни эзишнинг советча кўриниши бўлган де-сак хато килмаймиз. Ўзбекистонда пахта яккахокимлигини кучайтириш йўли билан СССР пахта мустақиллигига эришди.